

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА УНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ****Ж.О.Юсупов***Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси,
бўлим бошлиғи*

Аннотация: Қўшилган қиймат солиғи келиб чиқиши бўйича деярли янги солиқ ҳисоблансада, дунё иқтисодиётида давлат бюджетнинг асосий тушумини таъминлайдиган солиқ тури бўлиб қолмоқда. Хозирда 170 дан ортиқ давлатлар солиқ тизимида қўлланадиган ушбу солиқ тури бизнинг мамлақатимизда ҳам 1992 йилда жорий этилган ҳамда хозирда бюджет умумий тушумининг учдан бир қисмини ташкил этади. Ушбу мақолада қўшилган қиймат солиғи тарихи, Ўзбекистонда ушбу солиқ турини ривожланиши эволюцияси ҳамда иқтисодиётидаги ўрни тўғрисида сўз юритилган.

Калим сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, солиқ тарихи, эгри солиқ.

**THE EVOLUTION OF VALUE ADDED TAX AND ITS ROLE IN THE ECONOMY
OF UZBEKISTAN****J.O.Yusupov***The head of division at Interregional state tax inspection for large taxpayers*

Annotation: Although the value added tax is considered a new tax in its origin, it remains a type of tax that provides the main income of the state budget in the world economy. This type of tax, which is currently used in the tax system of more than 170 countries, was introduced in our country in 1992 and currently accounts for one third of the total budget revenue. This paper discusses the history of value added tax, the evolution of this type of tax in Uzbekistan, and its role in the economy.

Keywords: value added tax, tax history, indirect tax.

Кириш

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) – эгри солиқ ҳисобланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида яратилган қийматдан бюджетга ҳисобланадиган ва ундириладиган солиқ шаклидир.

ҚҚСни қўллаш натижасида товар ва хизматларнинг якуний истеъмолчиси маҳсулот сотувчига ўзи сотиб олган товарнинг бутун қиймати бўйича солиқ тўлайди, бироқ солиқ якуний сотишдан олдин бюджетга туша бошлайди. Бу ушбу товар (хизмат)ни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида иштирок этувчи ҳар бир шахс томонидан ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сотиб олинган хом-ашё (хизмат)ларга “қўшилган” қийматдан бюджетга тўланади.


Қўшилган қиймат солиғи ғояси Карл Фредрих фон Сименсга тегишли бўлиб, фон Сименс 1919 йилдаги ўзининг ишларида ўша вақтдаги амалда бўлган сотувдан

олинадиган солиқни танқид қилган. Унинг фикрича, маҳсулот якуний истеъмолчига қанчалик кўп босқичлардан ўтиб етиб борса, солиқ юки шунчалик юқори бўлган. Бу йирик компаниялар юқори даражадаги вертикал интеграциялашганлиги сабабли, уларга рақобат устунлигини берган (ички босқичлар солиққа тортилмаган) ва шу билан бирга соғлом рақобат тамойилларига зид бўлган. Фақатгина 1940-йиллар охирига келиб бундай амалиётдан воз кечила бошланган.

Франция янги солиқ тизимини жорий этиш бўйича биринчи қадамларни қўйган. Қўшилган қиймат солиғининг “ихтиросиси” 1954 йилда Франция иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигининг Солиқлар ва йиғимлар бошқармаси директори Морис Лорет ҳисобланади. Солиқнинг янги тури Франция мустамлакаси ҳисобланган Кот-д’Ивуарда дастлаб синовдан ўтказилган. Тажриба муваффақиятли деб эътироф этилгандан сўнг, солиқ 1960 йилда Францияда жорий этилган⁷².

2020 йилга келиб ҚҚС жорий этилган давлатлар сони 170 тага етган (1-график).

1-график.



Ўзбекистонда ҚҚС эволюцияси

Ўзбекистонда ҚҚС 1992 йилдан амалга киритилган бўлиб, амалда икки ставка 15 фоизли ҳамда 0 фоизли ставкада солиқ солинади. 1-жадвалда Ўзбекистонда 1992-2022 йиллардаги ҳамда 2023 йилда кутилаётган ҚҚСнинг ставкалари бўйича маълумот келтирилган.⁷³

1-жадвал

Йил	Стандарт ставка	Пасайтирилган ставка	Бошқа ставка
1992	30		10
1993	25		10
1994	20		10

⁷² Ш.А.Тошматов, М.М.Комилов ва бошқ. “Қўшилган қиймат солиғи” -Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004 й.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қонунлари, 1-қисм, 1992 йил

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қонунлари, 2-қисм, 1993 йил

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги 396-І-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни

1995	18		10
1996	17		10
1997	20	0	10
1998	20	0	10
1999	20	0	10
2000	20	0	10
2001	20	0	10
2002	20	0	10
2003	20	0	10
2004	20	0	10
2005	20	0	10
2006	20	0	10
2007	20	0	10
2008	20	0	
2009	20	0	
2010	20	0	
2011	20	0	
2012	20	0	
2013	20	0	
2014	20	0	
2015	20	0	
2016	20	0	
2017	20	0	
2018	20	0	
2019	15	0	4,6,7,8,10,15
2020	15	0	
2021	15	0	
2022	15	0	
2023 (кутилаётган)	12	0	

Кўшилган қиймат солиғи дастлаб 30 фоизли ставка билан жорий этилган. 1997 йил дастлабки Солиқ кодекси қабул қилингунга қадар солиқ ставкаси тўрт маротаба ўзгарган бўлиб, 1993 йилда 25 фоиз, 1994 йилда 20 фоиз, 1995 йилда 18 фоиз, 1996 йилда 17 фоизга қадар пасайтирилган.⁷⁴ Аммо 1997 йилдан то 2019 йилга қадар стандарт солиқ ставкаси 20 фоизда сақланиб қолган. Бундан ташқари солиқнинг пасайтирилган ҳамда бошқа ставкалари мавжуд бўлиб, дастлабки Солиқ кодекси қабул қилингунга қадар экспорт имтиёз сифатида қаралган ҳамда солиққа тортилмаган. 1997 йилдаги Солиқ кодекси билан ноль даражали солиқ ставкаси жорий этилган бўлиб, бунда ушбу ставка асосан экспорт учун қўлланилган. Шунингдек, солиқнинг бошқа ставкаси мавжуд бўлиб, ижтимоий аҳамиятга молик алоҳида озиқ-овқат товарлари бўйича ҚҚС 10 фоизли ставкада белгиланган. Ушбу

⁷⁴ Ш.К.Гатаулин ва бошқ. “Солиқлар ва солиққа тортиш”. Ўқув қўлланмаси – Тошкент: Давлат солиқ қўмитаси, 1996 й. М.Х.Рихсиева, М.Мухторов, З.Шмоль ва бошқ. “Солиқлар”. Ўқув қўлланмаси – Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2000 й.

ставка 2007 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига қадар амалда бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 584-сонли Қонунига асосан ўша вақтдаги Солиқ кодексининг 211-моддасига ўзгартириш киритилиб, 2019 йил 15 ноябрдан бошлаб солиқ ставкаси 15 фоиз этиб белгиланган. Шунингдек, фақатгина 2019 йилда амалда бўлган Солиқ кодекси 226⁴-модда билан тўлдирилган бўлиб, мазкур моддада қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари белгиланган (2-жадвал).

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган:⁷⁵

2-жадвал

Т/р	Тўловчилар	Солиқ ставкалари солиқ солинадиган базага нисбатан фоизда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юридик шахслар, 2 — 6 бандларда назарда тутилганлар бундан мустасно	7
2.	Қурилиш ташкилотлари	8
3.	Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари	6
4.	Умумий овқатлан меҳмонхона хўжалиги корхоналари	10
5.	Касбий хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг хизматлари, брокерлик хизматлари ва бошқалар)	15
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, реализация қиладиган юридик шахслар ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотлари бундан мустасно	4

Ушбу ставкаларнинг стандарт ҳамда ноль даражали ставкалардан фарқи, ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқида бўлган, яъни соддалаштирилган тартибдаги ҚҚС тўловчилари харидлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган. Бундай амалиёт фақатгина 2019 йилдагина амалда бўлиб, 2020 йилда янги Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан, бу амалиётдан воз кечилган⁷⁶.

Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодиётдаги ўрни.

Ўзбекистон иқтисодиётида қўшилган қиймат солиғининг ўрни муҳим бўлиб, бюджет даромадларининг ўртача учдан бир қисмини ташкил этади (4-жадвал). Ушбу жадвалда Ўзбекистон Республикасининг 2012-2021 йиллардаги япли ички маҳсулоти, бюджет даромадлари, қўшилган қиймат солиғи тушуми, солиқ тўловчилари сони ҳамда солиқнинг япли ички маҳсулот ва бюджет даромадларидаги улуши динамикаси

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни

келтирилган. Ушбу жадвалдан шуни кўриш мумкинки, ҚҚСнинг тушум динамикаси йилдан йилга ортиб бораётганлиги, 2021 йилга келиб 2012 йилга нисбатан ҚҚС тушумининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 4,7 фоиздан 7,2 фоизга кадар ортганлиги, ҚҚС тўловчилар сони эса 14,5 мингтадан 156,3 мингтага кадар ортганлигини кўриш мумкин.

4-жадвал

трлн.сўм

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
ЯИМ	127,6	153,3	186,8	221,4	255,4	317,5	424,7	529,4	602,6	734,6
Бюджет даромадлари	21,3	26,2	31,7	36,5	41,0	49,7	79,1	112,2	132,9	164,7
ҚҚС	6,0	7,6	9,5	10,9	11,9	14,7	27,9	37,1	40,2	52,8
Давлат солиқ қўмитаси томонидан ундирилган ҚҚС	3,7	4,3	5,0	6,2	7,0	8,6	13,7	23,7	20,5	25,6
Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилган ҚҚС	2,2	3,2	4,5	4,6	4,9	6,1	14,1	13,4	19,7	27,2
ҚҚС тўловчилар сони (мингта)	14,5	13,6	12,6	11,9	10,8	13,6	15,5	95,6	124,8	156,3
Даромадни ЯИМдаги улуши	16,7	17,1	17,0	16,5	16,1	15,6	18,6	21,2	22,1	22,4
ҚҚСни ЯИМдаги улуши	4,7	4,9	5,1	4,9	4,7	4,6	6,6	7,0	6,7	7,2
ҚҚСни жами даромаддаги улуши	28,0	28,8	29,9	29,7	29,0	29,6	35,2	33,1	30,2	32,1

Манба: Очiq ҳамда ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Кўшилган қиймат солиғи тушимининг ҳамда солиқ тўловчилар сонининг мамлакатимиздаги солиқ сиёсатининг тубдан ўзгартирилиши билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармониға мувофиқ 2019 йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиғи товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашға ўтиши мумкинлиғи, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб эса, бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охириғи истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар ҳамда товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланаши

белгиланди.⁷⁷ Шунингдек, ушбу Фармонга мувофиқ, 2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ кишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари кўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланиши ва белгиланган тартибда кўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишлари шартлиги белгиланди. Бундан ташқари янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши кўшилган қиймат солиғи тўловчилар сонини ортишига олиб келди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қонунлари, 1-қисм, 1992 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қонунлари, 2-қисм, 1993 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги 396-И-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни
4. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни
6. “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон
7. М.Х.Рихсиева, М.Мухторов, З.Шмоль ва бошқ. “Солиқлар”. Ўқув қўлланмаси – Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2000 й.
8. Ш.А.Тошматов, М.М.Комилов ва бошқ. “Кўшилган қиймат солиғи” - Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004 й.
9. Ш.К.Гатаулин ва бошқ. “Солиқлар ва солиққа тортиш”. Ўқув қўлланмаси – Тошкент: Давлат солиқ қўмитаси, 1996 й.
10. OECD (2020), Consumption Tax Trends 2020: VAT/GST and Excise Rates, Trends and Policy Issues, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/152def2d-en>

⁷⁷ “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон